

Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака топинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!



ЎЗБЕКИСТОН ОҶОҶИ

• 2014-йил, 1-октябр. Chorshanba • 116 (31.863) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-йил 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Авалло, сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni билан сaмимий табриклар, барча-барчангизга ўзининг юксак хурмат-эҳтиромини ва эзгу тилларининг изҳор этишдан бахтиёрман.

Бугун биз мана шу қутлуғ айёмни кенг нишонлар эканмиз, сиз, азизларнинг болаларимиз, ёш авлодимизга билим ва тарбия беришдек ўта мураккаб, ўз касбига меҳр ва садоқатни, бутун борлигини бағишлашни, фидойиликни талаб этадиган шарафли меҳнатингиз учун сиз, муҳтарам муаллимлар зоти олдида барчамиз чин қалбимиздан, юрагимиздан сизларга миннатдорлик билдиришни ўз бурчимиз деб биламиз.

Айни шу фикрларни, яъни фарзандларимизни камол топтириш, уларга илму фан сирларини ўргатишдек гоят масъулиятли ишни адо этиб келаётган инсонларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайдиган олижаноб меҳнатини инобатга олиб, бундан 18 йил муқаддам Ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз ва уни умумхалқ байрами даражасига кўтарганимиз жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг хоҳиши ва интилишини ўзида мужассам этади, десам, ўйлайманки, ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз устозлар, муаллимлар!

Дунёда «ўзбек модели» деб тан олинган, мамлакатимиз миллий тараққий стратегиясининг ажралмас қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ўз вақтида қабул қилиб, амалга оширганамиз янги ҳаёт, янги жамият қуришда энг кучли, айтиш мумкинки, энг қудратли омил бўлиб, нафақат таълим соҳасини, балки одамларимизнинг дунёқарабини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида бугун ҳар қанча гурурланиб, фахрланиб гапирсак, арзийди, албатта.

Биз ўз олдимишга қўйган эзгу мақсадларга эришиш йўлида, жумладан, энг мураккаб, шу билан бирга, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасида гоят муҳим масалани ечишда, яъни, биз бошлаган ишларни давом эттирадиган, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ҳеч қандам кам бўлмайдиган ёш авлодни тарбиялаш борасида ҳақиқатан ҳам қийин ва машаққатли йўлни босиб ўтганимиз, аввал тажрибамизда мутлақо қурмаган марраларни забт этишга қандай катта меҳнатини сингганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Таълим соҳасидаги ноёб дастурларимизнинг ижроси қанча куч ва имконият, қанча маблағни талаб қилгани — бу ўз йўли билан, лекин мана шундай улкан ва улғуров ишларни амалга оширишда айнан сизлар ўзингизни аямасдан, сидқидилдан меҳнат қилганингиз ҳисобидан биз юртимизда бу соҳада туб бурилиш ва ўзгаришларга ҳам назарий, ҳам амалий пойдевор яратдик.

Қанча-қанча янги таълим стандартлари, ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликларини ишлаб чиқиб, амалда жорий этиш, уларни ҳар бир ўқувчи, ҳар бир талабанинг онгу шуурига сингдириш учун бутун соҳа ходимлари, сиз, ҳурматли муаллим ва устозлар бу мактабдан аввало ўзингиз ўтганингиз, бе-миннат хизмат қилиб келаётганингизни ҳақиқий фидойилик намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мамлакатимиз, давлатимиз учун ҳал қилувчи мураккаб бир даврда сизлар билан бирга таълим соҳасини тубдан ўзгартириб, замон талаб қилаётган даражага кўтаришга эришганимизни сиз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, бу йўлда сиз, азизларнинг қандай қийин бўлмасин, қатъиятлик ва фидойилик кўрсатганингизни, бу буюқ мақсад учун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилганингизни мен чинакам жасорат деб баҳолайман ва мана шундай олижаноб фазилатларингиз учун барча-барчангизга таъзим қиламан.

Қадрли ватандошлар!
Ҳар бир инсон, ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси бўлмиш соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш, шу мақсадда минглаб замонавий ўқув масканлари, болалар спортини иншоотларини барпо этганимиз, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ишлар, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган самарали тизим ишлаб чи-

қиб, амалда татбиқ этганимиз ва бошқа кўпгина чора-тадбирлар бугун ўз ижобий натижасини бермоқда. Хусусан, биргина сўнги беш йилда ойлик иш ҳақи халқ таълими мусассаларида 2,9 баробар, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида қарийб 4 марта, олий таълим соҳасида 3,6 карра оширилгани, минглаб устоз ва мураббийлар, профессор-ўқитувчиларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлангани ҳам ана шундан далолат беради.

Хурматли дўстлар!

Барчамизга аёнки, бугунги глобал интеграциялашув шароитида, кундалик ҳаётимизга компьютер технологиялари ва Интернет тизими жадал кириб келаётган бир пайтда хорижий тилларни ҳар томонлама пухта эгалламасдан туриб, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадам бўлиб яшашни тасаввур этиб бўлмайди.

Айни шу мақсадда мамлакатимизда ўтган йилдан эътиборан умумтаълим мактабларининг 1-синфдан бошлаб чет тилларни ўқитишнинг шароитида, кундалик ҳаётимизга янги амалий қадам бўлди. Бу соҳада ишни тўғри ташкил этиш, қутилган самараларни ўқув учун аввало мажхуд ўқув-методик базани мустаҳкамлаш, дастур ва қўлланмаларни янада такомиллаштириш, педагог ходимларнинг билим ва малакасини ошириш зарурлиги ҳақида ортиқча гапирининг хожати йўқ, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, таълим масканларида «Ziyou» тармоғи ёрдамида ўқув-тарбия жараёнларини бугунги тараққий, миллий ва умумбашарий тафаккур ютуқлари билан узвий боғлиқ равишда олиб бориш, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази фаолиятини кучайтириш, ўқув адабиёти ва қўлланмалари электрон турларининг илмий-услубий савиясини юксалтириш муҳим вазифамиздир.

Айни шу йўналишдаги ишларимизнинг узвий давоми сифатида жорий йилда Жанубий Кореянинг дунёда ном қозонган нуфузли Инха университетининг Тошкент филиалини, шунингдек, таълим соҳаси билан боғлиқ бўлган янги ўқув ва малака ошириш марказларини ташкил этганимиз ёшларимиз учун янги имконият ва янги уфқлар очиб бериши муқаррар.

Бугунги кунда дунёда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кўпайиб, инсон қалби ва онгини эгаллаб, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий оламни эздан чиқариш, уларни ўз ота-онасига, зуртига қарши қўйишга қаратилган таҳдид ва хуружлар кучайиб бораётган мураккаб ва таҳликали замонда ўзининг қилганини, қандай буюқ зотларнинг авлоди, қандай англо-мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган ёш авлодгина муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама раванқ топтиришга қодир бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, юртимизда ҳукм сўраётган тинчлик ва оқоиллик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиқдек асрашда, авваламбор, болаларимизни мустақил фикрга эга бўлиб, оқни қорадан ажратишга қўриб этадиган инсонлар этиб, бир сўз билан айтганда, ёшларимизнинг иродасини мустаҳкам ва бақувват қилиб тарбиялашда сиз, муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлар бундан буён ҳам куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангизни аямайсиз, деб ишонаман.

Азизларим, кадрдорларим!

Давлатимиз, жамиятимиз сизларнинг Ватанимиз тараққийига қўшаётган катта ҳиссангизни, масъулиятли фаолиятингизни юксак баҳолайди ва қадрлайди. Бу масала келгусида ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади, деб ишонтириб айтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни қутлуғ байрамнинг билан яна бир бор табриклар, барчангизга сийхат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, эзгу ишларингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака топинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол гоҳларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб вояга етказишга қўшган салмоқли ҳиссаси, ёшларга илм-фан асосларини, замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

Бердиева Жумагул Амоновна — Кумқўрғон туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Турдиева Махбурат Махкамовна — Олмалик шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ХОДИМИ»**

Журамирзаева Махмуда Журамирзаевна — Учқўрғон туманидаги 34-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Исмаилова Раиса Юсуповна — Нукус шаҳридаги 24-умумий ўрта таълим макта-

бининг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Ачилов Дўсмурот Тошмуротович — Кармана туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Бердиева Зайнаб Файзиллаевна — Каттақўрғон туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби директори, Самарқанд вилояти

Матякубова Гульнора Абдусаматовна — Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Сабинова Муҳаббат Марқосовна — Урганч туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Султанова Махбуба Кузибаевна — Фарғона политехника институти қошидаги академик лицейининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Тешабаева Матлюба — Янгиер қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Умमतов Сирожиiddин Исоқович — Балиқчи туманидаги 38-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Андижон вилояти

Халилова Нодира Разиқовна — Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Хомитов Абдували Комилович — Зарбдор ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISIDA
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»**

Хожиев Баходир Найимович — Қарши олимпия захиралари коллежининг дзюдо буйича мураббийи, Қашқадарё вилояти

► Давоми 2-бетда.

Маърифат фидойиларига эҳтиром

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди



Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук, ҳеч қандам кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад йўлида ҳалот ва фидокорона меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийлар халқимиз ардоғида. Бир неча йилдан буён юртимизда 1 октябрь Ўқитувчи ва мураббийлар кунини сифатида кенг нишонланаётган шарафли касб эгаларининг обрў-эътибори янада юксалиб, меҳнати қадр топаётганининг ёрқин ифодасидир.

► Давоми 2-бетда.

САЙЛОВ — 2014

Битимлар имзоланди

Сайловни демократик тамойилларга мос равишда очиқ ва эркин ўтказишда оммавий ахборот воситалари гоят муҳим ўрин тутди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси қодалари ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурига мувофиқ оммавий ахборот воситалари 2014 йилги сайлов жараёнини кенг ёритиб бориши зарур.

3

ХУШХАБАР

Нодирбек — Жаҳон чемпиони совриндори

Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида шахмат бўйича 8-18 ёшли ўғил-қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов кумуш медали қўлга киритди.

Нуфузли мусобақанинг ўн ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида қатнашган иктидорли шахматчимиз Нодирбек Абдусатторов хорватиялик Иван Троселж, АКШ вакиллари Максимилиан Лю, Коле Фрутос, Кристофер Шен,

Айдин Тургут, италиялик Иейсаа Бин-Сухайл, хитойлик Ифан Цуо устидан галаба қозониб, германиялик Винсент Кеймер, хиндистонлик Ниҳал Сарин ва Моҳан Кушрага билан дуранг ўйнади. Ун бир партида жами 8,5

очко жамғарган ёш шахматчимиз жаҳон чемпионатининг кумуш медалига сазовор бўлди.

Бу галги жаҳон чемпионатида Жавоҳир Синдорев, Нодирбек Ёқубов, ФИДЕ усталари Темур Игонин ва Баҳора Абдусатторов ҳам мусобақа жадвалининг юқори поғоналарини эгаллади.

ЎЗА



Юрт шаънини улуғлаётганлар

Инчон (Жанубий Корея)да ўтказилган XVII ёзги Осиё ўйинларида мамлакатимиз спортчилари ҳозиргача жами олтига олтин, еттита кумуш ва ўн тўртта бронза медалини қўлга киритди.

4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Юртимизда таълим соҳасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол гоёсига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотланган:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»
ОРДЕНИ БИЛАН

Дуйсенбаев Куралбай — Нукус автомобиль йўли ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Исроилова Лола Болтаевна — Булунғур туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти
Худайназарова Гуёҳон Холмирзаевна — Бўз туманидаги 46-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

«МЕХНАТ ШУХРАТИ»
ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Акмал Абдухадидович — Жондор туманидаги 49-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти
Абдуллаев Валижон Алижанович — Наманган туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти
Абдилқосимов Равшан — Жиззах туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти
Акрамов Набижон Курбонович — Марҳамат туманидаги 3-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти
Аскарова Минавар Рузиевна — Шовот туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти
Ашуров Икромжон Мейлиевич — Термиз санъат ва транспорт касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти
Гайбулаева Гулчехра Джаббаровна — Сирдарё санъат касб-хўнара коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сирдарё вилояти
Даулетиярова Гулшат Жалгасовна — Қўнғирот нефть ва газ санъати касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Имамова Сайёра Абдурахмановна — Каттақўрғон шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти
Кариева Рано Нигматовна — Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 2-интернат уйи директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари
Каюмова Муяссар Абдуллаевна — Қўйи Чирчиқ туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Набиева Манзура Турсуновна — Ангрэн шаҳридаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти
Султонова Қаноат Исломова — Хатирчи хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти
Тажибаев Мамуржан Дадажанович — Тошлоқ транспорт ва курилиш касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти
Хожикўлов Уктам Нурматович — Ғузор нефть ва газ санъати касб-хўнара коллежининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ОРДЕНИ БИЛАН

Курбанов Зарипбай — Хонқа туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти
Кушшаева Мухиба Буриевна — Қарши шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти
Махмудов Марифшон Мирзақуллович — Мингбулоқ туманидаги 12-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг волейбол бўйича мураббийи, Наманган вилояти

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Ахмаджанов Рустамбек Акрамович — Наманган қишлоқ ҳўжалиги касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти
Ахмедова Дилобархон Долимовна — Олтинкўл туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти
Досимбетова Улдаулет Кабилевна — Қорақалпоғистон Республикаси 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси
Жуманиязова Муқаддас Хусиновна — Хива тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти
Зағребина Наталья Владимировна — Миробод туманидаги 158-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри
Ковилыева Светлана Геннадьевна — Навоий қончилиқ касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти
Кузиев Шаймурат Дўраевич — Қарши политехника касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти
Марданова Гавхар Хайитовна — Самарқанд енгил санъат ва иқтисодиёт касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти
Очилова Нурзода Турсуновна — Бухоро туманидаги «Галаосиё» курилиш ва транспорт касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти
Рисқуллова Гулчехра Анорқулловна — Бекобод туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти
Султанова Фазилат Бурхановна — Фурқат агросаноат ва транспорт касб-

хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти
Хайдаров Оманкелди Бахриддинович — Фаллаорол туманидаги «Гулистон» қишлоқ ҳўжалиги касб-хўнара коллежининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти
Хайдарова Дилфуза Гаффоровна — Шўрчи туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти
Ҳачатурян Лариса Рафаиловна — Гулистон шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуғафурова Зарифа Саттаровна — Тошкент давлат техника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри
Абдуллаев Жасурбек Курбанбаевич — Урганч олимпия захиралари коллежининг енгил атлетика бўйича бош мураббийи, Хоразм вилояти
Абдуллаева Нодира Турсуновна — Шайхонтоҳур туманидаги 115-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри
Арзуова Несибели Жандуллаевна — Нукус политехника касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Аллаёров Ҳазрат — Қизилқум туманидаги 8-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг кураш бўйича мураббийи, Сурхондарё вилояти
Атаниязова Захура Алламбергеновна — Нукус санъат ва хизмат кўрсатиш касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Ахмедова Замира Иззатуллаевна — Китоб туманидаги 5-«Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси, Қашқадарё вилояти
Бабаходжаева Нигора Гайбуллаевна — Мирзо Улугбек туманидаги 112-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри
Бекматовна Зулфия Ашраповна — Заңгита озиқ-овқат санъати касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти
Бердиев Аҳмад Эшдавлатович — Пахтачи туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти
Бобоқанова Наргиза Номозовна — Нарпай туманидаги 33-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти
Валиева Мухайё Қодировна — Қўшгепа туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти
Ғафурова Муяссар Азодовна — Эликқалъа туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Ғофурова Дилфуза Омановна — Яккабоғ санъат ва қайта ишлаш касб-хўнара коллежининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти
Джураева Дилобар Шадиевна — Шаҳ-

рисаба туманидаги 2-болалар мусика ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти
Джураева Дилором Дадажановна — Наманган шаҳридаги 6-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Наманган вилояти
Жумаева Хурматой Холмуратовна — Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти
Жураев Эргаш Оромович — Косон туманидаги 95-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти
Жураева Замира Шарифовна — Бухоро тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти
Зверев Александр Васильевич — Тошкент вилояти ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг оғир атлетика бўйича катта мураббийи
Исмадияров Абдулла Улмасович — Булоқбоши педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти
Калмуратова Халима Юлдашевна — Нукус тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Курбанова Оминахон Олимжановна — Фарғона шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Фарғона вилояти
Мамажонова Умидахон Пазлидиновна — Бағдод қишлоқ ҳўжалиги касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти
Махмудов Шўхрат Равшанович — Ромитан туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти
Махмудова Гулчехра Урунхужаевна — Жалолқудуқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти
Машарипова Сайёра Бахтияровна — Қўшқўйир туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти
Мунинова Лола Давроновна — Тайлоқ туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти
Намозова Дилфуза Саидовна — Бойсун туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти
Нарзуллаев Шароф Норматович — Денов тоғ-қон санъати касб-хўнара коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сурхондарё вилояти
Пахруддинова Малика Ташпулатовна — Мирзо Улугбек туманидаги 14-болалар мусика ва санъат мактабининг дутор синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри
Расуллова Дилноза Кобилджоновна — Тошкент политехника касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри
Сайдахмедова Манзура Одилловна — Бешариқ туманидаги 21-умумий ўрта таъ-

лим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти
Сатимов Абдалим Давлатович — Чуст санъат касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти
Тажиёв Раҳман Сунонович — Иштихон туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Самарқанд вилояти
Туробов Ёркинжон Ёқуб ўғли — Ғиждувон туманидаги 65-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти
Турсунбаев Сайфиiddин Муратович — Янгиобод туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шахмат бўйича мураббийи, Сирдарё вилояти
Холмуродова Сайёра Хабибуллаевна — Жиззах енгил санъат касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Жиззах вилояти
Холтурсунов Нурмат Байматович — Оҳангарон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти
Шамсиева Мақсуда Шақиевна — Учқудуқ туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Навоий вилояти
Эргашева Карамат Анарбаевна — Мирзаобод туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сирдарё вилояти
Эшимов Бахтиёр Раҳматуллаевич — Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти
Юлдашева Музайяна Ахборовна — Учтепа туманидаги 287-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри
Юлдашева Шаҳодатхон Абидовна — Қўрғонтепа туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти
Юлдашева Шохида Абиловна — Тошкент шаҳридаги имконияти чеklangан шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси
Юнусов Ҳакимжон Аҳмаджонович — Уйчи туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти
Юнусов Эркин Гаппарович — Жарқўрғон санъат касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти
Юсупова Наргис Рўзалиевна — Окқўрғон туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

I. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 29 сентябрь

Маърифат фидойиларига эҳтиром

Таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва мураббийлар 30 сентябрь куни пойтахтимиздаги хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рами бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар кўйди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган замонавий ишоотлар, таълим, маданият-маърифат, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишди.
Шу куни «Туркистон» саройида ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлири ўқитувчилари, мураббийлар, турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат таълими ва таълим фаолияти Х.Султонов ўқиб эшиттирди.
Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунлариданқод баркамол авлодни тарбиялаш, малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим воситаси сифатида таълим соҳасини тубдан ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури-

да белгиланган вазифарларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши, бу борада амалга оширилган эзгу чора-тадбирлар кўлами ва мазмун-моҳияти билан мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган навқирон авлодни вояга етказиш учун мустаҳкам замин яратди.
Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси капитал реконструкция қилиниб, замонавий андозалар асосида юзлаб янги мактаблар курилди. Мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, «Баркамол авлод» болалар марказлари, спорт, мусика ва санъат мактаблари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, уларнинг фаолияти давр руҳига мос тарзда йўлга қўйилди.
— Ўқитувчидек шарафли ва захматли касб эгаларининг меҳнати истиқлол йилларида эъзоз ва эҳтиром топи, — дейди Андижон вилояти Олтинкўл иқтисодиёт коллежи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Шукружон Маматқуллов. — Президентимизнинг устоз-мураббийларга кўрсатаётган ана шундай эътибори барча педагогларни мустақиллигимизни кўз қорачигидек асраб-авай-



лаш, фарзандларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашдек эзгу ишларда уларга қанот бўлмоқда.
Педагог ходимлар меҳнати янги рағбатлантиришга оид амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида ўқитувчиларнинг ўртача меҳнат ҳақи 2006 йил 1 сентябрига нисбатан 9 баробарга оширилди.
Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг

яши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови таълим фидойиларининг ўзaro фикр алмашишига, ўқув жараёнига янги ҳақиқатларни татбиқ этишга имкон яратмоқда. У фани бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратган, ҳар бир дарсни ўқувчиларнинг ёшига мос, қизиқарли ҳамда турли кўргазмалли воситалар билан ўтаётган илгор педагоглар меҳнати туфайли юртимиз таълим тизими, ўқувчиларнинг би-

лим даражаси тобора юксалмоқда.
Тантанали йиғилишда маъруз танловларнинг 2014 йилги ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.
— Маъруз кўрик-танлов илгор, ташаббускор, ижодкор педагоглар таълим соҳасини кенг омдалаштиришга хизмат қилмоқда, — дейди танлов ғолиби, Чилонзор туманидаги 162-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ширин Ниёзметова. — Бу таълим-тарбия мазмунини янада такомиллаштириш билан бирга устозларни ёш авлод тарбиясидек мураккаб ва шарафли ишга масъулия билан ёндашишга, янада фаол бўлишга, давлатимиз томонидан яратилаётган қўлайлик ва имкониятларнинг қадрига етишга ундаётир.
Эртаимиз эгалари бўлган навқирон авлод ҳаётдан муносиб ўрнини топади, турмушидан, Ватанидан рози бўлиб, умр бўйи бунёдкорлик руҳи билан яшайди. Бугун юртимизда замонавий таълим стандартлари асосида жиҳозланган 1,5 мингдан ортиқ академик лицей ва касб-хўнара коллежида ёшларга ўзи танлаган йўналиш ва соҳа сирлари ўргатилмоқда.
Истиқлол йилларида мамлакатимиз олий таълим тизими бақалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли халқаро стандартга ўтказилди.

Маросимда Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Шохида Орипова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари Энахон Сиддиқова, бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси, ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинлари ғолиби Бектемир Мелиқўлиев ва бошқалар таълим-тарбия, илм-фан, маънавият ва маърифат тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар келажакимиз эгалари бўлган ёшларни Ватанимизга, буюк аجدодларимизга муносиб фарзанд этиб тарбиялашдек эзгу мақсадга йўналтирилганини таъкидлади. Ушбу эзгу мақсадга бутун борлигини бахш этаётган касб соҳибларини қўлаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган ғамхўрлик ва эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.
Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.
Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

САЙЛОВ — 2014

Сайловолди жараёнларига

масъулият билан ёндашиш зарур

Бугунги кунда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар олдида турган энг муҳим вазифа — бу сайловолди кампаниясида муваффақиятли иштирок этишдир. Имзо тўплаш эса бу жараёнда дастлабки муҳим сиёсий босқич ҳисобланади. ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгашидаги барча даражадаги партия ташкилотларида бу жараён уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.

Сайловолди жараёнига жиддий масъулият билан ёндашиш зарур, — дейди **ЎзХДП Иштирок тўла Бўлакова**. — Туманимизда имзо тўплаш ишларини юқори савияда ташкил этишга ҳаракат қилдик. Худудимиздаги 9 кишлоқ фуқаролар йиғини, 1 шаҳарча ва 62 маҳалла фуқаролар йиғинларидаги партия аъзолари, электротар вакиллари ҳамда партияимиз хайрихоҳлари бу жараёнда фаол иштирок этишди. Шу боис имзо тўплаш тизимли режа асосида белгиланган муддатда якунига етказилди.

Бундан кўриниб турибдики, туманимизда партияимизга хайрихоҳ, унинг сайловда муваффақиятли иштирокига ҳисса қўшиш истагида бўлганлар кўпчилигини ташкил этади.

Имзо тўплашда партияимизнинг туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотлар фаол иштирок этаёпти, — дейди **ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари Шохид Раҳматуллаева**. — Жойларда партия фаоллари томонидан имзо варақаларини тўлдириш тартиблари тушутирилди, унга қатъий риоя қилиш маса-

лалари назоратга олинди. Бу борада, айниқса, Иштирок, Пайларик, Нуробод, Тайлоқ туман партия кенгашлари алоҳида намуна кўрсатди. Хозирда ажратилган варақаларни тўлдириш ишлари якунига етказилмоқда.



Муҳимжон КОДИРОВ олган сурат.

Имзо тўплаш давом этмоқда

Мазкур жараён Фарғона вилоятида ҳам қизгин давом этмоқда. — **Имзо тўплаш чоғида партияимизнинг қўллаб-қувватлаётган кишилар сафидан кенгайиб бормоқда,** — дейди **«Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибига Тўтибий Ражабова**. — Бундан имзо тўплаш жараёнида одамларнинг фаоллигини кузатиб ҳам аниқлаш қийин эмас. Мен ҳам биринчилардан бўлиб партияимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўладиган сайловда иштирокини маъқуллаб имзо қўйдим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганидан буён унинг аъзосиман, — дейди **Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳақимов**. — Аҳолининг ижтимоий ёрдамга эҳтиёжманд қатла-

манфатини ҳимоя қилиш, айниқса, касб-хунар коллежалари битираётган ёшларни муносиб ҳақ тўланадиган муҳим иш жойлари билан таъминлашдек олижаноб мақсад учун курашаётган партия голяри чин маънада халқчил. Шу сабабли мен партияимизнинг мамлакатимизда бўлиб ўтаётган навбатдаги сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватлаб имзо қўйдимдан мамнунман...

Фарғона вилоят партия кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳмамовнинг таъкидлашича, имзо тўплаш жараёнида жойларда партия ташкилотлари томонидан аҳоли вакиллари билан қўллаб-қувватлаётган мулоқотлар ўтказилди. Фуқароларнинг сайловга муносабати, унинг эртанги кунимиз учун нечоғли аҳамиятга эга экани, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Бу жараёнда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошиб бораётгани кузатишмоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚОНУН ВА ШАРҚ

Жорий йил 28 август куни Олий Мажлис Сенатида маъқуллашга «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида» (янги тахрирда) қонун 13 сентябрь куни матбуотда расман эълон қилинди. Мазкур Қонун Ўзбекистонда бозор муносабатлари янада изчил ривожланишида, биржалар фаолияти кучайиб, уларнинг иқтисодий таъминотидаги ўрни мустаҳкамланишида муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Биржалар янгича қоидалар бўйича ишлайди

Бир қарашда биржалар фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳаммаизга бирдек тааллуқи эмасдек туюлиши мумкин. Лекин чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрилса, биржалар мамлакат иқтисодий ҳар томонлама барқарор ва соғлом ривожланишида, ҳар биримизнинг турмушимиз фаровонлиги орттиришида ўзига хос ўрин туттиҳи маълум бўлади.

Биржалар кўпчилигимиз тушунадиган анъанавий бозордан фарқ қилади. Улар асосан товарлар, қимматли қоғозлар, валюта ва бошқа биржа товарлари бўйича савдо-сотик жараёнларини энгиллатиш учун хизмат қилади. Биржанинг бошқа бозор субъектларидан яна бир фарқи хусусияти унда баҳолар шаклланиши ҳисобланади. Биржадан ташқари битимларда ҳам шу баҳо асос сифатида қўлланилади. Қонуннинг янги тахририда бу борадаги муносабатлар, биржаларнинг ишлаш тартиб-қоидалари белгилаб берилди.

Қонунга кўра, мамлакатимизда биржалар иқтисодий ҳолати хош, капитал, валюта ва бошқалар билан таъминлаш вазифини баҳармайди. Балки улар товар, капитал, фонд, валюта бозорини тартибга солади ва унификациялайди, яъни биржилаштиради. Харидор ва сотувчини бир жойда жамлайди, улар ўртасидаги талаб ва таклифни мувофиқлаштириб, савдони энгиллаштиришга ёрдам беради.

Қонунга асосан, биржалар фаолиятига жорий этилган янги тартиб-қоидалар илғор биржа муносабатлари жорий қилиниши ҳамда иштирокчиларнинг манфаатлари ишончли ҳимоя этилишига шараф яратди. Бу нархлар сунъий равишда ошиб кетишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Қонунда биржа товарлари, унинг ҳолати ва турлари аниқлаштирилди. Ҳар кунлик нархларни шакллантириш, биржалар фаолияти билан боғлиқ миллий стандартлар дунё андозасига мослаштирилди. Яна бир муҳим жиҳат, Қонунда биржаларда очик ва аниқ ахборот бериш тартиби кафолатланди.

Нархларнинг ҳалол ва ошқор шаклланиши, биржа фаолияти билан боғлиқ ахборотларнинг очиклиги аҳоли, айниқса, ЎзХДП электорати вакиллари учун муҳим ҳисобланади. Нархлар табиий шаклланиши, бу борада аниқ мезонлар жорий этилиши истаъмоличлар учун қулайлик яратди.

Бундан буён биржалар мунтазам равишда (ҳафтасига қамид бир марта) расмий веб-сайтида биржа товарларининг котировкасини (наرخини) жолаштириши лозим. Биржа жараёнлари ҳақидаги ахборотларнинг очик бўлиши, ўз навбатида, аҳолининг иқтисодий билими ва фаоллиги янада ошишига ижобий таъсир ўтказди.

Умуман, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида» ги Қонуннинг янги тахрири юртимизда биржалар фаолиятини замон талабларига мос равишда ривожлантиришга, илғор халқлар тажрибанинг ижобий жиҳатларини жорий этишга хизмат қилади.

Вазирлар Маҳкамаси, давлат бошқаруви органлари ўз қоролари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қонунга мувофиқлаштиради. Қонун расмий эълон қилинган кундан бошлаб олти ой ўтгач қуча қиради.

Улуғбек ЗОКИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси.

Битимлар имзоланди

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, шунингдек, «Жаҳон» ахборот агентлиги билан битимлар имзоланди.

Ушбу битимлар сайлов жараёнининг очиклиги ва ошқорлигини таъминлаш, мамлакатимиз ва чет эл жамоатчилигини Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча тadbирлардан кенг хабардор қилиш мақсадида имзоланди. Битимларда миллий сайлов қонунчилиги — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолат-

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

лари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида» ги қонунлар ҳамда сайлов жараёнини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш ишларини самарали равишда амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилган. Депутатликка номзодлар ва

сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда бир хил эфир вақти ва босма майдони ажратилиш орқали тенг шaroит яратилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тadbирлар дастурида кўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида амалга оширилмоқда, — деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Аб-дусаломов. — Ҳамкорлигимизнинг асосий мақсади — жамоатчиликни сайлов кампанияси-

нинг барча босқичлари ҳақида кенг хабардор қилиш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш, сайловчиларга сайлов тўғрисидаги қонунчилик қоидаларини тушуантириш, фуқароларни сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди платформалари билан таништириш, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш, сайлов кунинг равишида овоз бериш учун барча зарур шарт-шaroитларни яратишдан иборатдир.

Томонлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий теле- ва радиоканаллари, давлат босма оммавий ахборот воситалари ҳамда мамлакатимизнинг ахборот агентликлари орқали сайловга тайёргарликнинг бориши ҳамда уни ўтказишга оид ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш ва тарқатиш борасида ҳамкорлик қилади.

ЎЗА

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Менинг биринчи сайловим



Санжаар ШОТЎЛЛАҒАНОВ олган сурат.

Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманидаги Компьютер технологиялари касб-хунар коллежи эълонлар тахтасида «Сиёсат ва ёшлар: менинг биринчи сайловим» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари саволларингизга жавоб беради», деган эълон ёзилган.

— Бу йилги сайловларда биринчи марта ўз овозим билан иштирок этаман, — дейди **мазкур коллежнинг 3-курс талабаси Эльмира Тўрахонова**. — Демак, тadbир мен учун қизикarli ҳамда фойдали бўлади. Сайлов жараёнида ҳақида янада кўпроқ маълумот олиш учун бу давра суҳбатига албатта қатнашишим керак...

Тadbир бошланди. Эльмира сингари сайловда биринчи марта овоз берадиган қўллаб-ёшлар мамлакатимиз сайлов тизими, сайлов қонунчилиги қиритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақидаги суҳбатларни қизиқиш билан тинглашди. Тadbирни ташкил этишдан мақ-

сад ёшларда дахлдорлик ҳиссини, фуқаролик позициясини қучайтиришдан иборатдир. **Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Акром Ҳошимов** мамлакатимиз сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар, сайлов ҳуқуқлари эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ёшларга тушунчалар берди.

— Сизлар бу йил сайловда илк бор иштирок этасиз, ўзингиз муносиб топган номзодларни давлат ҳокимиятининг вакили органларига сайлаб, уларга ишонч билдирасиз, — деди депутат. — Шунинг учун мамлакатимизда шакланган демократик принципга асосланган сайлов тизими, бу борадаги қонунчилик ҳақида яқин билишингиз зарур.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида «Ўзбекистон Республи-

каси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида» ги қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга асосан сайловолди ташвиқоти тушуначилиги аниқликлар киритилди.

Сайловолди ташвиқоти сайлов кампанияси даврида амалга оширилаётган ва сайловчиларни депутатликка номзод ёки сиёсий партия учун овоз беришга ундашга қаратилган фаолият сифатида таърифланди ҳамда сайлов кунини ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотини ўтказишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Мамлакатимиз сайлов қонунчилигидаги бу каби ўзгаришлар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасида муҳим қадам бўлди.

Компьютер технологиялари касб-хунар коллежи ўқувчи курс ўқувчиси Бекзод Эрақабоев тadbир жуда фойдали бўлганини таъкидлади.

Сайлов жараёнлари ҳақида умумий тасаввурга эга бўлсам-да, сайлаш ва сайланиш тартиби, сайлов ҳуқуқлари, сайлов қонунчилиги ҳақида чуқур билмасдим, — дейди у. — Бугунги давра суҳбати давомида мен бу ҳақда кўп нарсани тушуниб етдим. Бу йил сайловда биринчи марта овоз бераман. Мен овоз берадиган номзод эртага мамлакат ривожига, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилдиган шахс бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар биримизга катта масъулият юқлайди.

Тadbирда, шунингдек, ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Шохроҳ Абдураҳмонов, қанотнинг Тошкент шаҳар бўлими етакчиси Ихтиёр Салаев, Яшнобод туман бўлими етакчиси Умид Ҳошимов мавзу бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Гулурух ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муаллим

Маърифат дарёсини мироби — ул зот, Кўнгли самосининг офтоби — ул зот, Юз очган саволнинг жавоби — ул зот, Тилидан бол томиб айтгуси ҳар ким, Муаллим бу, муаллим бу, муаллим.

Онамиздек меҳр билан хуш кўрган, Ота бўлиб қамолимизни туш кўрган, Етти ўлчаб бир кесибон иш кўрган, Боболардан мерос шарҳона таълим, Муаллим бу, муаллим бу, муаллим.

Ҳикमत отлиғ дунёларга йўл очган, Эзгу ишга, дуоларга кўл очган, Беш олганнинг бошларидан гул сонган, Уққан дилга аниқлаётган сўз таъмин, Муаллим бу, муаллим бу, муаллим.

Ҳар устознинг изида минг ирмоқ бор, Йўллариде сабот ёққан чироқ бор, Айтсам ана, соғинч бордир, фироқ бор, Ул ким, ахир, чўнг тоғларга менгадир, Муаллим бу, муаллим бу, муаллим.

Улуғ эрур юрт эгасин матлаби, Ҳўш, қайда бор, Ўзбекистон мактаби, Улар қирар бу мактабга нур каби, Азал, абад таппинмаган нурга ким, Муаллим бу, муаллим бу, муаллим.

Маҳмуд ШОИР,
Ўзбекистон халқ шоири,
ЎзХДП фаоли.

Обуна — 2015

«Ўзбекистон
ОВОЗИ»
газетасига 60
нусаха йиллик
обуна бўлдик»

Ўзбекистоннинг энг гўзал ва хушбағит гўшларидан бири — Сўх тумани осмонўпар тоғлари, шифобахш булоқлари, тезоқар дарёлари билан барчани ўзига ром қилган. Меҳмондўст сўхликлар меҳнаткаш, бағрикенг, хушқачқак ва албатта, газетчилик билан ҳам ажралмаб туради.

— Мен «Ўзбекистон овози» газетасининг муҳлисларидан бириман, — дейди «Агросуғурта» туман бўлими бошлиғи Мансур Мамажонов. — Газетанинг ҳар бир сонидан мамлакатимиздаги ислохотларга бағишланган таҳлилий мақолалар бўлади, маънавият, спорт маъзулари ҳам яқин ёритилади. Газетани оила аъзоларим билан қўлма-қўл қилиб ўқиймиз. Шунинг учун ҳам мен 2015 йил учун биринчилардан бўлиб сеvimли газетамга обуна бўлдим.

— 2014 йил учун «Ўзбекистон овози» газетасига жамоамиздан тўрт нафар ўқитувчи обуна бўлган эдик. 2015 йил учун эса «Ўзбекистон овози» газетаси обуначилари ўн нафарга етди, — дейди халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, 9-мак-таб директори Назиржон Қосимов. — Кейинги пайтларда ЎзХДП фаолиятига оид таҳлилий мақолалар кўпайди. Биз, партия фаоллари учун бу жуда ҳам фойдали.

ЎзХДП Сўх туман кенгашига 1177 нафар аъзо бирлашган. Уларнинг 9 нафари халқ депутатлари туман Кенгашида ЎзХДП гуруҳи аъзоси ҳисобланади. Жорий йилда депутатларимиз томонидан доимий комиссияларга 7, туман Кенгаши сессияларида эса 2 масала қиритилди ва тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижроси таъминланди.

— Биз, партия фаоллари, депутатлар «Ўзбекистон овози» газетасининг ҳар сонини интиқ бўлиб кутамиз, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси ўринбосари Холдорали Сатторов. — Жойлардаги партия ташкилотлари фаолияти, тажрибалари бизни жуда қизиқтиради. Шу кунларда сайлов ҳақида берилётган мақолалардан иш фаолиятимизда фойдаланялмиз. 2015 йил учун обуна жараёнини эрта бошладик. Ҳозиргача «Ўзбекистон овози» газетасига 60 нусаха йиллик обуна бўлди.

Муҳаммад ДОЛИМОВ

Тахририятдан:
Авалло, газетамизга обуна бўлган барча сўхликларга миннатдорчилик билдирамиз.


Бу туманда газетамизга обуна ишлари қизгин давом этади, деб умид қиламиз.

Бугун партияимизнинг ҳар бир туман ва шаҳар, вилоят кенгаши вақтини бой бермай газеталаримизга обуна ташкил этиш ишларига катта масъулият билан ёндашиши талаб этилади.



Юрт шаънини улуғлаётганлар

Мусобақа дастуридан жой олган спорт гимнастикаси бўйича Оксана Чусовитина ҳамда Абдулла Азимовларнинг шохсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилганини хабар қилгандик. Бахсларнинг навбатдаги куниде яна бир иктидорли спортчимиз, Пекин олимпиадаси бронза медали совриндори Антон Фокин ҳам мутахассис ва мухлислар ишончини оқлади. Ҳамюртимиз брусда мураккаб машқларни муваффақиятли бажариб, 15.475 балл тўплади ва кумуш медал билан тақдирланди.




Бекзод Абдурахмонов (эркин кураш)




Алексей Мочалов (байдаркада эшак эшиш)



Вадим Меньков (канозда эшак эшиш)



Екатерина Воронина (енгил атлетика)



Рашид Курбонов (эркин кураш)



Жасур Бойқўзиев (таэквондо(WTF))

Надирхўжа ЮЛДАШЕВ олган суратлар.

Эркин курашчиларимиз бу галги Осиё ўйинларида ҳам муваффақиятли қатнашишди. Жумладан, жаҳон чемпионати совриндори Бекзод Абдурахмонов (70 кг) дастлаб Сомиршо Воҳидов (Тожикистон) ни катта устунлик билан енгди. Сўнгра ҳамюртимиз чорак финалда хитойлик курашчиға ҳеч қандай имконият қолдирмади. Бекзод финал йўлланмаси учун япониялик Такафуми Кожимани очколар ҳисобида мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи беллашувда чинакам маҳорат кўрсатган полвонимиз мезбонлар вакили Хо Манхо устидан ишончли галаба қозониб, XVII ёғги Осиё ўйинларининг илк олтин медалига сазовор бўлди. Шунингдек, эркин курашчиларимиздан Иштиёр Наврўзов (65 кг) мусобақада фахрли учинчи ўринни эгаллади. Ҳамюртимиз бронза медали учун кеч-

ган беллашувда япониялик Ишидо Томотсугу устидан галаба қозонди. Оғир атлетика мусобақасининг дастлабки кунги бахсларида вакилларимиздан Махлиё Тоғаева (48 кг) ҳамда Улугбек Алимов (85 кг)лар бронза медалини қўлга киритишганди. Беллашуларнинг охири куниде яна бир полвонимиз йигирма бир ёшли Сардорбек Дўсмуродов (105 кг) ўзини кўрсатди. У даст кўтаришда 170, силтаб кўтаришда 221, жами 391 кг тош кўтариб, терма жамоамиз ҳисобига навбатдаги бронза медалини келтирди. Байдарка ва канозда эшак эшиш бўйича ҳам спортчиларимиз Инчеонга энг сара таркиб билан йўл олишганди. Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобиға навбатдаги олтин медалларни айнан эшакчиларимиз тўхфа қилганлиги қувонарлидир. Байдаркада эшак эшиш бўйича саралаш бахсларини муваффақиятли

яқунлаган терма жамоамиз аъзоси Алексей Мочалов 1000 метр масофаға эшак эшиш бўйича финал бахсида марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди — 3.39.878. Канозда эшак эшиш бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони Вадим Меньков Инчеонда ҳам яна бир бор ўзининг тенгсизлигини исботлади. Канозда 1000 метр масофани 3 дақиқаю 57.403 сонияда босиб ўтган ҳамюртимиз марраға биринчи бўлиб етиб келди ва шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Канозда эшак эшиш бўйича 1000 метр масофаға ўтказилган жуфтлик бахсларида Серик Мирбеков ва Герасим Кочнев бронза медалига сазовор бўлишди. Шунингдек, байдаркада эшак эшишнинг тўртлик бахсларида ҳам вакилларимиз совриндорлар қаторидан жой олдилар. Мусобақада 1000 метр

масофаға эшак эшиш бўйича Сергей Борзов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов, Александр Тропин «квартети» 3 дақиқаю 01.819 сония билан марра чизигини учинчи бўлиб кесиб ўтди. Яна бир вакилимиз Эрнест Ирнараров байдаркада эшак эшиш бўйича 200 метр масофаға ўтказилган яккалик бахсларида кумуш медалини қўлга киритди. Мохир спортчимиз (36.531) марра чизигини иккинчи бўлиб босиб ўтди. Терма жамоамиз жамғармаси учун тўртинчи олтин медални енгил атлетикачимиз Екатерина Воронина тақдим этди. У етикураш бахсларида жами 5912 очко жамғариб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Ушбу йўналишда майдонға чиққан яна бир ҳамюртимиз Юлия Тарасова (5482) эса бронза медали билан кифояланди. Навбатдаги беллашуларда эркин кураш усталаримиз яна мухлисларни

қувонтирдилар. Жумладан, ҳамюртимиз Рашид Курбонов (74 кг) олтин медал учун кечган беллашувда эронлик Иззатулло Акбаризаринколаини енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Яна бир полвонимиз Умиджон Исманов (86 кг) покстонлик Муҳаммад Иномини мағлубиятга учратиб, бронза медалига сазовор бўлди. ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА: Кеча мамлакатимиз спортчилари қўл тўпи, рөгби, таэквондо (WTF), юнорум кураши, ўк отиш турлари бўйича майдонға тушдилар. Таэквондо бўйича дастлаб Никита Рафалович (74 кг) барча рақибларини мағлубиятга учратиб, финалға йўлланма олди. Олтин медал учун кечган жангда у эронлик спортчиға очколар ҳисобида кичик фарқ билан ютқазиб, кумуш медалға сазовор бўлди. Яна бир мохир таэквондочимиз Жасур

Бойқўзиев (87 кг) эса Ўзбекистон терма жамоаси газнасига навбатдаги олтин медални тўхфа қилди. У финалда хитойлик Ченг Линг Лонгни енгиб, шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Шунингдек, кеча юнорум кураши усталари беллашуларни бошлашди. Унда ҳамюртимиз Дилшоджон Тадирланган бўлса, Аҳмаджон Маҳмудов (59 кг), Бесиқи Солдадзе (80 кг)лар шохсупанинг фахрли учинчи поғонасидан жой олдилар. Шундай қилиб, Ўзбекистон спортчилари Осиё ўйинларида бугунгача жами 27 (6 та олтин, 7 та кумуш ва 14 та бронза) медални қўлга киритган ҳолда қирқ беш давлат вакиллари ўртасида 12-погонани банд этиб турибдилар. Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ»

мажмуаси жамоаси:



барча юртдошларимизни, мамлакатимиз таълим тизимида хизмат қилаётган фидойи устозларни

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар

байрами билан табриклаймиз!



Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси
Электромагнит мослашув маркази:
Азиз устозлар!
Барчангизни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан муборакбод этамиз!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Электромагнит мослашув маркази огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узққ масофали радиоузаитиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаитгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалға оширган шахсларға нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмиёлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлимларига муружаат қилинг.

БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:	
Тошкент шаҳри,	Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел: 230-61-13, 120-30-22.
Андижон шаҳри,	Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел: 230-64-65.
Бухоро шаҳри,	академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел: 230-64-66.
Жиззах шаҳри,	Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, тел: 230-64-68.
Нукус шаҳри,	Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, тел: 230-64-75.
Қарши шаҳри,	2-микрорайон, 43-уй, 62-хонадон, тел: 230-64-78.
Навоий шаҳри,	Амир Темуր кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел: 230-64-69.
Наманган шаҳри,	Марғилон кўчаси, 8-а уй. 2-корпус, 54-хонадон, тел: 230-64-72.
Самарқанд шаҳри,	Калбоғ п/б, ТРНС, тел: 230-64-80.
Термиз шаҳри,	5-кичик даҳа, 1-уй, 16-хонадон, тел: 230-64-79.
Гулистон шаҳри,	Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел: 230-64-67.
Фарғона шаҳри,	Алишер Навоий кўчаси, 37-г уй, 36-хонадон, тел: 230-64-74.
Урганч шаҳри,	Нажмиддин Кубро кўчаси, 7-уй, тел: 230-64-77.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihididdin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-uy 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059
11315
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
MIRBAXTIYOR MIRFAZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5